



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

11 (61) 2023

**Сопредседатели редакционной
коллекции:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
М.А. АБДУЛЛАЕВА
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЬЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
ХАСАНОВА Д.А.
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛИОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

11 (61)

2023

ноябрь

www.bsmi.uz

https://newdaymedicine.com E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

Received: 20.10.2023, Accepted: 27.10.2023, Published: 10.11.2023.

УДК 616.314-76/616.314-004

**ЮЗ-ЖАҒ СОҲАСИ ТУҒМА АНОМАЛИЯЛАРИ БИЛАН ТУҒИЛГАН БОЛАЛАРДА
ДЕФОРМАЦИЯЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ОРТОДОНТИК
МОСЛАМАЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

У.А. Фозилов. Email: FozilovU@mail.ru

С.Ш. Олимов <https://orcid.org/0000-0002-1142-6838>

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш.,
А.Навоий кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ **Резюме**

Юз-жағ соҳасида учрайдиган бир гуруҳ ўсмалар, юз ва бўйин ҳамда тишларнинг ривожланиш нуқсонлари каби патологик жараёнлар дисэмбриогенетик ўзгаришлар оқибатида юзага келади. Махсус тиббий-генетик текширувлар ўтказиб, ҳомила нуқсон билан туғилишнинг эҳтимоли даражаси орқали аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Калит сўзлар: юз –жағ соҳаси, туғма аномалиялар, деформациялар, ортодонтик мосламалар.

**ОТЛИЧИТЕЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ОРТОДОНТИЧЕСКИХ АППАРАТОВ,
ИСПОЛЬЗУЕМЫХ ПРИ ПРОФИЛАКТИКЕ ДЕФОРМАЦИЙ У ДЕТЕЙ, РОЖДЕННЫХ
С ВРОЖДЕННЫМИ АНОМАЛИЯМИ ЛИЦА-ЧЕЛЮСТИ**

У.А. Фозилов. Email: FozilovU@mail.ru

С.Ш. Олимов <https://orcid.org/0000-0002-1142-6838>

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан, г.
Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50
e-mail: info@bsmi.uz

✓ **Резюме**

Патологические процессы, такие как группа опухолей, дефекты развития лица и шеи и зубов, возникающие в области лица-челюсти, вызваны дисэмбриогенетическими изменениями. Важно определить с помощью специальных медицинских и генетических обследований степень вероятности того, что плод родится с дефектом.

Ключевые слова: лицо-челюсть, врожденные аномалии, деформации, ортодонтические аппараты.

**DISTINCTIVE FEATURES OF ORTHODONTIC DEVICES USED IN THE
PREVENTION OF DEFORMITIES IN CHILDREN BORN WITH CONGENITAL
ANOMALIES OF THE FACE-JAW**

U.A. Fozilov Email: FozilovU@mail.ru

S.SH. Olimov <https://orcid.org/0000-0002-1142-6838>

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina, Uzbekistan, Bukhara, st. A. Navoi. 1
Tel: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ **Resume**

Pathological processes, such as a group of tumors, defects in the development of the face and neck and teeth that occur in the face-jaw area, are caused by dysembriogenetic changes. It is important to determine with the help of special medical and genetic examinations the degree of probability that the fetus will be born with a defect.

Keywords: face-jaw, congenital anomalies, deformities, orthodontic devices.



Долзарблиги

Б угунги кунда юз-жағ соҳаси туғма нуқсонларини генетик ва экзоген омилларнинг ўзаро таъсирига боғлиқлигини Новоселов Р.Д. ва ҳаммуал. маълумотларига биноан, ҳомиланинг ирсиятида туғма нуқсонлар мавжудлиги (13,6%) ва ҳомиладорликни 1,5-2 ойларида онани вирус касалликларини бошдан кечиришни энг муҳим этиологик омиллар, деб ҳисобланди. Кам учрайдиган омилларга: жароҳатлар, ўткир ёки сурункали равишда токсик моддалар ва дорилар билан заҳарланиш; рентген ва бошқа ионлаштирувчи нурлар таъсирида бўлиш, стресс ҳолатларга тушиш ва бошқа этиологик факторлар шулар жумласидандир.

Тадқиқот мақсади: Тиш – жағ аномалия ва деформациялари билан даволанаётган ортодонтик мосламаларни даволашни такомиллаштириш.

Натижа ва таҳлиллар

Текширув ўтказилаётган туғма нуқсонли болаларни гуруҳларга бўлиб, ўрганиш Фролова Л.Е. таснифи асосида олиб борилди: юқори лабнинг чегараланган нуқсони; танглайнинг чегараланган нуқсони; юқори лаб ва танглайнинг кесиб ўтган тўлиқ нуқсони; юзнинг атипик нуқсони.

Тадқиқотда Фролова Л.Е. юқори лабнинг уч анатомик қисмини (юқори лабнинг қизил ҳошия қисми, лабнинг тери қисми, лаб ва бурун даҳлизи) эътиборга олиб, кемтикларни уч даражаси билан текширилди. Нуқсон катталашган сайин даражаси ортиб боради. Ҳар бир даража ўз навбатида икки алоҳида даражаларга бўлинади: Ia – юқори лаб қизил ҳошиясининг яширин туғма кемтиги, Ib - юқори лаб қизил ҳошиясининг туғма кемтиги, IIa - юқори лаб қизил ҳошияси ва терисининг 1/3 қисмигача давом этган туғма кемтиги, IIb - юқори лаб қизил ҳошияси ва терисининг 1/3 қисмигача давом этган туғма кемтиги, IIIa – юқори лабнинг бурун тубигача давом этган туғма кемтиги, IIIb – юқори лаб, бурун туби ва альвеоляр ўсикнинг туғма кемтиги.

Туғма нуқсонларни чақирувчи омиллар икки гуруҳга бўлинади:

1-гуруҳ этиологик омиллар - ирсий, ота-оналардаги мутант генлар кичик аномал белгилар (эмбриогенез стигмалари) шаклантиради. Шундай белгилари бўлган ота-оналар фарзандларида типик шаклдаги туғма нуқсон учраши мумкин ва ушбу нуқсон даражаси мутация даражасига боғлиқ ҳисобланади. Бундай нуқсонлар генларга боғлиқ нуқсонлардир.

2-гуруҳ этиологик омиллар - она ва ҳомиллага экзоген ва эндоген таъсир этган мультифакториал омиллар қаторидан иборат. Салбий омилларнинг, шу жумладан, тератоген таъсир даражаси таъсир этиш давомийлиги экспозицияси, чуқурлиги ва биргаликда келишига боғлиқ.

Текширув олиб борилган бемор болаларда туғма нуқсонларнинг келиб чиқишида экзоген ва эндоген омилларнинг таъсири она ва ҳомиланининг уларга нисбатан генетик ва биологик жиҳатдан юқори даражада мойиллиги билан баҳоланди. Туғма нуқсонлардан қатъи назар, туғма нуқсонлар ташқи белгилари билан бир-биридан фарқи ўрганилди.

Текширув олиб борилаётган бемор болаларда юз-жағ тизими клиник кўринишлари юқори лаб туғма кемтикларининг клиник манзараси анатомик ва функционал ўзгаришлар даражасига боғлиқлиги ўрганилди.


Анатомик ва функционал ўзгаришлар даражасидан қатъий назар, юқори лаб туғма кемтикларига хос уч белги доим мавжудлиги аниқланди: оғиз айлана мушаги бутунлигининг ҳар хил даражада бузилиши; кемтик мавжуд томонда лаб баландлигининг қисқариши; бурун қаноти шаклининг ҳар хил даражада бузилиши [1.3.5.7.9.11.13.15.17].

Юқори лаб қизил ҳошияси “яширин” (Ia) туғма кемтигида, шу соҳа оғиз айлана мушаги қатлами яхши ривожланмаган бўлиб, тери ва шиллик парда яхлитлиги эса сақланганлиги кузатилди. Юқори лабнинг (Ib, IIa, IIb) даражадаги туғма кемтигида, оғиз айлана мушагининг пастки қисми бирикмаганлиги туфайли кемтик юзага келганлиги баҳоланди. Кемтиkning устидаги тери ва шиллик парда, кемтик чўққисига тортилиб қолиши, бурун асосида сақланиб қолган оғиз айлана мушагининг толалари, устидаги тери билан бирга энсиз белбоғ сифатида лаб бўлакларини бирлаштириб туриши, юқори лабнинг IIIa даражадаги туғма кемтиги, бурун даҳлизигача давом этиб, оғиз айлана мушаги тўлиқ ажралган ҳолатда бўлиши, юқори лабни IIIb даражадаги кемтигида, оғиз айлана мушаги тўлиқ ажралган ва альвеоляр ўсик ҳам турли даражада бирикмай қолганлиги, кемтик четлари юқорига, бурун туби томон тортилиши, юқори лабнинг икки томонлама туғма кемтикларидан лаб уч - икки ён ва марказий (ўрта) бўлакларга

ажралиши, кемтик иккала томонда бир хил (симметрик) ёки ҳар хил (асимметрик) даражаларда ифодаланган белгилари тадқиқот давомида ўрганилди.

Тадқиқотда қатнашаётган беморлар кемтиклари симметриклиги, иккала томонда ҳам Пб даражаси, юқори лабнинг икки томонлама Пб даражали бўлиши туғма нуқсони, деб ташхисланди. Шунингдек, баъзи бемор болаларда нуқсон чап томонда бурун даҳлизига давом этган, ўнг томонда эса, лабнинг 1/3 қисмида бўлганда, ташхисда ҳар томондаги нуқсон даражаси алоҳида қайд этилди. Бундай беморларга ташхис, “Юқори лабнинг, ўнг томонлама Па ва чап томонлама Ша даражадаги туғма нуқсони” билан ташхис қўйилди.

Текширув ўтказилаётган беморларда танглай нуқсонлари гуруҳланиши қуйидагича амалга оширилди: 1а – тилчанинг яширин нуқсони; 1б – тилчанинг тўлиқ яққол нуқсони; 2а – тилча ва юмшоқ танглайнинг нуқсони; 2б – тилча, юмшоқ танглай ва қаттиқ танглайнинг 1/3 қисмигача бўлган нуқсони; 3а – тилча, юмшоқ танглай ва қаттиқ танглайнинг 1/2 қисмигача бўлган нуқсони; 3б – тилча, юмшоқ ва қаттиқ танглайнинг тўлиқ нуқсони.



1-расм. Юз-жағ тизими туғма нуқсонли болаларнинг клиник кўринишлари

Текширув олиб борилган беморларда ота-онаси сўров натижалари асосида онтогенезининг хавfli омиллари қуйидаги ҳолатлари аниқланди: уруғланиш; имплантация (эмбриогенезнинг 7-8 кунлари); ҳомиланинг асосий орган ва ёйларининг ривожланиш даври (3-8-ҳафта); бош мия ривожланиш даври (15-20 - ҳафта); ҳомиланинг асосий аъзо ва тизимлар ривожланиши (20-24 - ҳафтalar); туғилишдаги патологик жараёнлар; 1 ёшгача бўлган давр; балоғатга етиш даври 11-16 ёшлардаги патологик ҳолатлар билан ифодаланди.

Юз-жағ соҳаси туғма нуқсонлари Бухоро вилояти худудида туғилган чақалоқларда 2020-2022 йиллар учраш кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

Юз-жағ тизими туғма нуқсонлари келтириб чиқарувчи этиологик омиллар қуйидагилар ҳисобланади - аёл жинсий ҳужайрасининг ҳаддан ошиқ етилиши, моддалар алмашинуви бузилиши, гипоксия, она қонидаги захарли токсик моддалар (дори воситалари, наркотик препаратлар, никотин, алкоголь, вирус ва инфекция) кабилар шулар жумласидандир.

1-жадвал


Бухоро вилояти бўйича 2020-2022 йиллардаги юз-жағ соҳаси нуқсони билан туғилган чақалоқлар кўрсаткичлари

Йиллар	Туғилган чақалоқлар умумий сони	Юз-жағ нуқсони билан туғилган чақалоқлар сони
2020	41436	41
2021	40271	55
2022	43820	14



Ҳомиладорликда тана ҳароратининг меъёрда бўлиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Она ҳомиладорлигида тана ҳароратининг кўтарилиши ҳомила нуқсон билан туғилишига олиб келувчи сабаблардан биридир. Бундан ташқари рентген нурлар: ҳужайра мутациясига сабаб бўлиши мумкин, ёш ва нозик ҳужайралар рентген ва радиацион нурлари таъсирида ҳам кузатилиши аниқланди. Текширув натижалари таҳлилари шуни кўрсатдики, аномалиялар 20% ген мутацияси, 10% хромосома мутацияси, қолганлари эса экзоген омил таъсири орқали юзага келганлиги билан ифодаланди [2.4.6.8.10.12.14.16.18].

Ҳомиладор аёлдаги оғир кечувчи токсикозлар, анемия, юрак қон-томир тизимидаги патологик ўзгаришлар ва бошқа экстрагенитал касалликлар тўқимада дистрофик ўзгаришлар чақириши баробарида плацентар мембрана кислород алмашинувини бузиб бевосита ҳомила гипоксиясига сабаб бўлиши ҳам ўрганилди. Алиментар омиллар - бу омил ҳам ўз навбатида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳомиладор аёл парҳезига боғлиқ ҳисобланади. Парҳез таомда асосий озикланиш микроэлементлари етишмаслиги, тўйиб овқатланмаслик шулар жумласидандир. Бу ўзгаришлар энгил кечишидан то оғир кечишгача бўлиб, ҳомиланинг ўлик туғилишигача сабаблари аниқланди. Айрим ҳолатларда 66% аёлларда сўров ўтказилганда ҳомиладорлик даврида дори моддаларини қабул қилганини ҳақидаги шикоятлари инобатга олинган (1- ва 2 -расм).



А



Б

2-расм. Икки томонлама юқори лаб, альвеоляр ўсик ва тўлиқ танглай нуқсони А-обтуратор қўллашдан олдинги ҳолат Б-обтуратор бемор оғзига қўйилган жараёни).



3 -расм. Туғма икки томонлама лаб ва тўлиқ танглай нуқсони

Қабул қилинган дори воситалари орасида ҳомиладорликнинг 1-ойларида биринчи ўринда антибиотик, сульфаниламид ва спазмолитиклар бўлган. Кортикостероид, андроген, эстроген, антитиреоид препарат, транквилизатор, антидепрессант, антиэстроген модда, малярияга қарши дори восита, нейролептик, антикоагулянт, салициловой кислота, антибиотиклар бу воситаларнинг барчаси у ёки бу даражадаги тератоген фаолликка эгаллиги ўрганилди. Бундан ташқари психик

зўриқишларнинг патогенези қуйидагича тушунтирилади: ҳомиладор аёл қонида гипердреналинемия вужудга келиб, плацентар қон айланишини бузади, бу ҳатто қисқа муддатли бўлса ҳам натижада бола у ёки бу кўринишдаги нуқсон билан туғилиши аниқланди.

Юз-жағ соҳаси туғма нуқсонлари билан туғилган чақалокларда ҳаёт учун муҳим бўлган функцияларни ютиниш, сўриш, нафас олишни тиклаш мақсадида хирургик муолажага қадар ортодонтик мосламалардан бири бўлган обтуратор қўлланилди (4- ва 5-расм).




4 - расм. Клиник жараён (қолип олиш жараёни)



5 - расм. Лаборатория босқичи (модель ва унга тайёрланган обтуратор)

Тавсия этилган ортодонтик мосламанинг афзалликлари қуйидагилардан иборат: оғиз бўшлиғи герметизим ҳосил бўлишига ёрдам беради; оғиз бўшлиғини бурун бўшлиғидан ажратиб туради; миофункционал мувозанатни барқарорлаштиради; обтураторнинг орқаси қисмини узайтириш орқали юмшоқ танглай функциясини қисман тиклаш; обтураторнинг чегараларини юмшоқ пластмассадан тайёрлаш орқали шиллик қават травматик шикастланишлари олди олинди.

Юз-жағ соҳаси туғма нуқсонлари билан туғилган чақалокларда обтураторнинг чақалокларда биринчи сут тишларини ёриб чиқгунга қадар ёки хирургик муолажагача қўллаш тавсия этилди (6-расм).





6 -расм. Юз-жағ соҳаси туғма нуқсонлари билан туғилган чақалоққа обтуратор қўйилиши (бемор А.О. 2.04.2023 йил туғилган 3.04.2023 обтуратор қўйилган).

Юз-жағ соҳаси нуқсони билан туғилган чақалоқларда ҳаётининг биринчи кундаёқ оғиз бўшлиғи обтуратор қўйиш орқали бир вақтнинг ўзида сўриш, ютиниш ва нафас олиш функциялари тиклашга эришилди. Юз-жағ соҳаси нуқсонлари эрта обтуратор қўйилган сўриш рефлекси сўнмаслигига олиб келади. Бу орқали бола она кўрагини эмизиш ҳам эришиш мумкин. Обтураторни эрта қўллаш натижасида туғма нуқсон билан туғилган болаларда таъбий озиклантириш имконияти яратилди.

Туғма юз-жағ соҳасидаги нуқсонли болаларда миофункционал мувозанатни тиклаш ҳамда юмшоқ танглай қисмини ортодонтик мослама билан узайтириш орқали нутқни нуқсонсиз ривожланишига эришилди. Юз жағ туғма нуқсони билан туғилган болаларда ортодонтик мосламалар билан, нуқсони ёпиш ва нутқни шакллантирилди. Шунингдек ушбу ортодонтик мослама нутқни тўғри шаклланишига шароит яратиб берди, у аналогидан шу билан фарқланадики, юқори жағда жойштириладиган мосламанинг базис қисмида юқори танглай герметиклигини таъминловчи қопламанинг бўлишидир ва бунда қоплама ҳам нафас олиш учун ҳам нутқ шаклланиши имконини берди.

Болалардаги туғма аномалиялар орасида юз-жағ соҳасининг туғма нуқсонлари лаб ва танглай кемтиглари алоҳида ўрин тутади: бундай патология туғма аномалиялар орасида энг кенг тарқалган оғир тури ҳисобланади. Шуни таъкидлаш керакки, ушбу патологиянинг изоляция қилинган шакли 7,6-41,4% ҳолларда учрайди, шу билан бирга турли хил мутациялар, хромосома касалликлари туфайли юзага келадиган симптом мажмуаларида, лаблар ва танглай кемтиглари 21,1%да ҳолатда учраши аниқланди [19.21.23.25.27.29].

Юз-жағ соҳаси нуқсонларида анатомик тузилмалар функциясининг бузилиши нутқ бузилишларини келтириб чиқаради, бу эса палатофарингеал ҳалқанинг ёпилишининг етарли эмаслиги даражасига тўғри келади. Беморларда лаблар, бурун ва танглайнинг жағлари ва юмшоқ тўқималарининг бирламчи ва иккиламчи деформациялари ўрганилди. Лаб ва танглай ёриқлари ва уларнинг нутққа таъсири ўрганилган назарияларидан биридир. Турли муаллифлар нутқни нормаллаштириш учун шикастланган анатомик тузилмаларга таъсир қилиш зарурлигини таъкидлайдилар. Шу билан бирга, беморларнинг ушбу контингентдаги таркибий хусусиятлар, тилнинг мотор бузилиши ва нутқ бузилишларининг ўзаро боғлиқлиги ва тилнинг мотор фаоллигининг 13 позициясини ортодонтик тузатиш имконияти, уларнинг товуш талаффузи ва нутқни шакллантиришга таъсири текширув олиб борилаётган беморларда ўрганилди.

Тадқиқотда тилнинг оғиз бўшлиғидаги ҳолати ва беморларда унинг тузилиш хусусиятлари ўрганилди. Уларнинг физиологик дам олиш ҳолатида тилнинг юқори қисми пастки жағнинг алвеоляр қисмининг остига босим ўтказиши, тилнинг орқа ва илдизи баланд бўлиши, янги туғилган чақалоқларда бурун бўшлиғига ёриқ орқали кириб бориш тузилмалари аниқланди. Тилнинг бу ҳолати танглайнинг яхлитлигини жарроҳлик йўли билан тиклаш ва оғиз ва бурун бўшлиқларини ажратишдан кейин ҳам кузатилди. Тилнинг юқорида тавсифланган патологик ҳолати ва функцияси туфайли пастки жағнинг алвеоляр қисмида ортиқча босим пайдо бўлади, тилнинг юқори қисми ва танглай ўртасида алоқа йўқ, оғизнинг миодинамик мувозанати бузилди.

Бугунги кунга келиб, беморларда оғиз бўшлиғидаги тил ҳолатини тузатиш учун нутқ даволаш усуллари ишлаб чиқилган лаб ва танглай ёриғи, ва ушбу вазифани бажариш учун ортодонтик асбоблар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Биз ҳам шундай муаммоларни бартараф этиш мақсадида нутқни тўғриловчи мосламаларни текширувдаги беморларимизда қўллашга эришдик.

Юз жағ туғма нуқсонни билан туғилган болаларда ортодонтик мосламалар билан, нуқсонни ёпиш ва нутқни шакллантиришга ёрдам бериш. Шу орқали нутқни нуқсонсиз ривожлантиришга эришилди.

Ушбу мосламанинг қуйидаги вазифалари мавжуд: туғма юз-жағ соҳасидаги нуқсонли болаларда миофункционал мувозанатни тиклаш; оғиз бўшлиғи ва бурун бўшлиғини ўзаро ажратиш орасида барьер ҳосил қилади; юмшоқ танглай қисмини ортодонтик мосама билан узайтириш орқали нутқни нуқсонсиз ривожланишига шароит яратади; овқат лукмасини нафас йўлига тушиб қолишидан сақлайди.

Даволанаётган беморларда қўлланилаётган ортодонтик мосламанинг аналоглари ҳам мавжуд. Биз тадқиқот давомида уларни солиштиришга эришдик [20.22.24.26.28.29].

Ҳозирда нутқни ривожлантириш учун кўп ортодонтик мосламалар ишлаб чиқарилган, лекин булар сут тишлар чиқанидан кейин қўллаш бошланади, масалан, тўлиқ танглай нуқсон бор бемор болаларда танглай-ютқин етишмовчиликларда қўлланиладиган нутқ апарати “Ортодонтик аппарат РУ 2723” шу тартибда ишлайди, унинг камчиликлари, биринчидан, ҳамма қисми қаттиқ пласмассадан ясалганлиги, иккинчидан, нутқни ривожлантирадиган қисмига қаттиқ танглай базис қисмдан зангламаси пўлат сим ёрдамида узайтирилгани, бу эса нафас ва ютқин йўлини бир биридан тўлиқ ажаратмайди, учинчидан, бу мослама сут тишлар чиққанидан сўнг қўлланилади, бу эса кечиккан ҳолатда нутқнинг ривожланишига олиб келади.

Шунга ўхшаган яна бир мослама “Функционал бузилиши мавжуд бўлган танглай туғма нуқсонли болалар учун махсус obturatorлар” ишлаб чиқилган бўлиб (№ 004905) бундай obturatorлар доимий тарзда оғиз бўшлиғида қўлланилмайди. Бу мосламанинг ютқингача шакллантирилган узайтирилган қисми мавжуд эмас, бу мосламанинг барча қисми латексдан тайёрланган.

Хулоса

Беморларда қўлланилаётган ортодонтик мослама туғма тўлиқ танглай нуқсонни билан туғилган болаларда сўриш нафас олиш функцияларини тиклаш учун шакллантирувчи obturator қўлланилади, бу оғизда герметизмни ҳосил қилади. Бола улғайган сари нутқ функцияси тикланади шаклланади. Юмшоқ танглай нуқсонни мушакларнинг нотўғри бириккани бурун-ютқиннинг нуқсонни нутқнинг нотўғри ривожланишига таъсир қилади. Нутқнинг бошланғич ривожланишдан тўғри шаклланишига шароит яратиш беради. Барча функциялар (сўриш, ютиниш, нафас олиш, талаффуз) тикланишига эришилди. Мосламани ишлаб чиқаришда биринчи бемордан индивидуал қолип олинди, лабораторияда модел қўйилди, модел чегаралари чизилди, қаттиқ танглай чегараси ва юмшоқ танглай қисмининг чегараси алоҳида-алоҳида чизиб олинди, ютқин соҳаси белгиланди, қаттиқ танглай қисми қаттиқ пласмасадан 2 мм қалинликда тайёрланди, Узайтирилган obturatorнинг юмшоқ танглай қисми мум ёрдамида шакллантирилиб, юмшоқ пластмассадан 0,2 мм қалинликда ясалди, ўзаро пластмассалар чегарасиз бирикади. Боланинг тана вазнининг ошишига қараб 2 - 2 ярим ойда алмаштириб борилди. Ортодонтик мослама бола сут тишлар чиққунгача, сут тишлар чиқиш даврида ва шаклланган сут тишлар прикуси даврида қўлланилди. Бу мосламани хейлолопластика, веллопластика ва уронопластика операциясигача қўллаш тавсия қилинди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Fozilov Uktam Abdurazakovich. Evaluation of the Efficiency of Remineralizing Agents in Treatment with Removable and Fixed Orthodontic Technique in Children. // American Journal of Medicine and Medical Sciences 2021;11(2):134-136(14.00.00.№2) DOI:10.5923/j.ajmms.20211102.14
2. Fozilov Uktam Abdurazakovich. Development of innovative diagnostic and prophylactic dental obturators aimed at preventing the development of caries and its complications in the orthodontic treatment of patients // Web of Scientist international scientific research journal. ISSN: 2776-0979 Sep. 2021;2(9):18-23(Impact Factor: 7.565)

3. Fozilov Uktam Abdurazakovich. The role and importance of obturators in the optimization of the treatment of dental caries // European Journal of Research Development and Sustainability (EJRDS) Available Online at: <https://www.scholarzest.com> June -2021;2(6): 84-86 ISSN: 2660-5570. -P.84-86 (Impact Factor: 7.455)
4. Fozilov Uktam Abdurazakovich. Clinical-diagnosical characteristics of development of caries in children in orthodontic treatment with disclosed and restricted equipment // Central asian journal of medical and natural sciences. – Jan-Feb 2021;02(1):15-19. | ISSN: 2660-4159 (Impact Factor: 6.754)
5. Uktam Abdurazakovich Fozilov. Diagnosis and prevention of caries development in orthodontic treatment. //World Bulletin of Social Sciences (WBSS) Available Online at: <https://www.scholarexpress.net>. - October- 2021 Vol. 3, ISSN: 2749-361X -P. 97-104 (Impact Factor: 7.545)
6. Uktam Abdurazakovich Fozilov. Prevention of caries development during orthodontic treatment. // World Bulletin of Social Sciences (WBSS) Available Online at: <https://www.scholarexpress.net> October 2021;3:61-66. ISSN: 2749-361X (Impact Factor: 7.545)
7. Fozilov Uktam Abdurazakovich. Improvement of Early Diagnosis and Orthodontic Treatment in Children with Dental Anomalies and Deformations. // American Journal of Medicine and Medical Sciences 2022;12(5):554-557 DOI: 10.5923/j.ajmms.20221205.20
8. Fozilov Uktam Abdurazakovich., Olimov Sidik Sharifovich. Early Detection, Treatment And Rehabilitation Management Of Dental And Maxillary Anomalies And Deformation In Children Of Early Age // Journal of Pharmaceutical Negative Results 2022-ISSN: Print -0976-9234.13 SPECIAL ISSUE 09 (2022)11-06. P.1168-1172 (Scopus)
9. Фозилов Уктам Абдураззокович. Анатомические и функциональные особенности языка, приводящие к нарушению речи, у пациентов с расщелиной губы и нёба. // Журнал медицина и инновации Август, 2022;3(7):234-242 (14.00.00;№22)
10. Fozilov U.A. Development of a step-by-step treatment algorithm for children with cleft lip and cleft palate, creation of optimum methods of speech development. // New day in medicine. 2022;11(49):201-206(14.00.00;№22)
11. Фозилов У.А., Олимов С.Ш. Дентоалвеоляр аномалиялари ва деформацияси бўлган болаларда кузатиладиган иккиламчи касалланиш ҳолати статистикасини таҳлил қилиш. // Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал. Хоразм Маъмун академияси, 2023;6/2(102):276 -280 (14.00.00;№22).
12. Fozilov Uktam Abdurazzoqovich. Modern Methods Of Treating Severe Pathologies Through The Diagnosis Of Tooth-Jawformations In Early-Aged Children. // Journal of Advanced Zoology ISSN: 0253-7214. Year 2023;44(5):293-300 (Scopus)
13. Fozilov U.A, Olimov S.Sh. Improving The Treatment of Abnormal Bite Caused by Severe Damage To The Jaw. // Journal of Advanced Zoology ISSN: 0253-7214 Year 2023;44(5):370-378 (Scopus)
14. Фозилов У.А., Олимов С.Ш. Раннее выявление, лечение аномалий и деформаций зубов и верхней челюсти у детей раннего возраста // Stomatologiya. 2022;4(89):53-57. (14.00.00; № 12)
15. Фозилов Уктам Абдураззокович, Олимов Сиддик Шарифович. Применение стимулирующих obturators при врожденных дефектах неба и губ. // Журнал стоматологии краниофациальных исследований материалы международной научно-практической конференции, посвящённой памяти ученого С. Э. Кубаева (Самарканд, 25-26 февраля 2022 г) 2022;449-454.
16. Olimov S.Sh., Fozilov U.A. Modern Approach to Early Diagnosis, Clinical Course and Treatment of Transversal Occlusion in Children. // Middle European Scientific Bulletin. Mar 2022;22:143-148.
17. Olimov S. Sh., Fozilov U.A. Improvement of Early Diagnosis and Orthodontic Treatment in Children with Dental Anomalies and Deformities. // Middle European Scientific Bulletin, -Mar 2022;22:185-189.
18. Fozilov Uktam Abdurazakovich. Pathologic occlusion as well as a way to prevent severe pathologies through the diagnosis of tooth – jawformations in early-aged children. //

International Journal of Health Systems and Medical Sciences ISSN 2833-7433 May - 2023;2(5):145-150.

19. Fozilov Uktam Abdurazzokovich Methods for Treating Pathological Occlusion Caused by Narrowing of the Upper Jaw. // Research Journal of Trauma and Disability Studies May 2023;2(5):161-167| ISSN: 2720-6866 <http://journals.academiczone.net/index.php/rjtds>
20. Fozilov Uktam Abdurazzokovich. Diagnosis of children with dentoalveolar anomalies and deformations. // World Bulletin of Public Health (WBPH) Available Online at: <https://www.scholarexpress.net> May 2023;22:66-69 ISSN: 2749-3644
21. Fozilov U.A., Olimov S.Sh., Badriddinov B.B. Characteristic change in the protrusion of the upper jaw in children. // Journal of new century innovations www.newjournal.org 2023;30(4):175-179.
22. Fozilov Uktam Abdurazzokovich. Risk Factors for Tooth-Jaw Disorders in Children. // International Journal of Health Systems and Medical Sciences ISSN: 2833-7433. Sep - 2023;2(9):156 -159
23. Fozilov Uktam Abdurazzokovich. Modern Clinical and Epidemiological Aspects of Dentition in Children. // Central Asian Journal of Medical and Natural Sciences Sep-Oct 2023;4(5):340-44 ISSN: 2660-4159 <http://cajmns.centralasianstudies.org>
24. Fozilov U.A, Olimov S.Sh. Anthropometric Examinations in Patients With Dental – Jaw Abnormalities And Deformities. // International Scientific and Practical Conference 2023;79 -80. <https://www.conferenceseries.info/index.php/medicine>
25. Fozilov U.A, Olimov S.Sh. The Role of Computed Tomography In the Diagnosis and Treatment of Children With Bilateral Congenital Lip And Palate Defects International Scientific-Practical Conference 2023;102-103. <https://www.conferenceseries.info/index.php/intellect>
26. Fozilov Uktam Abdurazzokovich. Jag`-tish deformatsiyalari bilan kasallangan bolalarda erta tashxis va ortodontik davolash algoritmini ishlab chiqish № DGU 15971
27. Fozilov Uktam Abdurazzokovich. Tug`ma yumshoq tanglay nuqsonlarida nutqni rivojlantirishda qo`llaniladigan ortodontik moslama № 005018
28. Fozilov Uktam Abdurazzoqovich. Patologik oklyuziya hamda tish – jag' deformatsiyalarini erta yoshli bolalarda tashhislash orqali og'ir patologiyalarni oldini olish // Бухоро, 2023. 27 bet. Uslubiy tavsiyanoma
29. Fozilov Uktam Abdurazzoqovich. Yuqorigi jag'ning torayishi hisobiga yuzaga kelgan patologik oklyuziyani davolash usullarini takomillashtirish // -Бухоро, 2023. 23 bet. Uslubiy tavsiyanoma

Қабул қилинган сана 20.11.2023

